





## Ислом Нури

ғамни аритса, Аллоҳ ундан қиёмат кунининг ғамларидан бир ғамни аритади» (Муслим (2699) Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан, Бухорий (2442) Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан шу маънода ривоят қилганлар).

Қарз бериш маъруф амалдир, бу билан мусулмон кишининг қийинчилигига барҳам берилади, ҳожатини ўталади.

Қарз сўраш макруҳ бўлган сўраш (тиланиш) турига кирмайди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам ҳам қарз олганлар (Бухорий (2630) ва Муслим (1771) Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар).

Қарз саҳиҳ-яроқли бўлиши учун қарз берувчи кишининг молни ихтиёрий бера оладиган кишилардан бўлиши шарт қилинади, яъни, масалан, етимнинг валийси етимнинг молидан қарз бериши дуруст бўлмайди.

Шунингдек, қарзга берилажак мол кейин унинг бадали эгасига қайтарилиши мумкин бўлиши учун унинг миқдори ва сифатини билиш шарт қилинади. Қарзга олинган мол қарздорнинг зиммасидаги бировнинг ҳаққи бўлиб қолади ва имкони бўлиши билан, кечиктирмасдан уни эгасига қайтариши фарз бўлади.

Қарз берувчи қарз олувчига берган қарзига қўшимча тўлов беришини шарт қилиши ҳаром бўлади. Уламолар ижмоъларига кўра, қарзга қўшимчани шарт қилиш ва уни олиш рибо бўлади. Ҳозирги пайтда банкларнинг фойда эвазига қарз беришлари очиқ рибодир. Хоҳ у истеъмолга оид қарз бўлсин, хоҳ уларнинг ибораси билан айтганда, ривожлантиришга (тараққиётга) оид қарз бўлсин, фарқсиздир. Қарз берувчи – хоҳ банк бўлсин, хоҳ шахс бўлсин, хоҳ ширкат (компания)



## Ислом Нури

бўлсин – берган қарзига шартлашилган қўшимчани олиши жоиз эмас. Бу қўшимчани қандай ном билан номламасинлар, хоҳ, фойда деб, хоҳ совға деб, хоҳ уй-жойда яшаб туриш деб, хоҳ машинани миниб туриш деб номланган бўлмасин, модомики, шу қўшимча ёки шу ҳадя ёки шу фойдаланиш шартлашиш орқали келган бўлса, мумкин бўлмайди.

Ҳадисда келганки: «Фойда олиб келган ҳар қандай қарз рибодир» (Байҳақий (5/350) Фазола ибн Убайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган).

«...»

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган марфуъ ҳадисда айтилади: «Сизлардан бирингиз қарз берган бўлса, сўнг (қарз олган киши) унга ҳадя берса, уни қабул қилмасин ёки уловга миндирса, уни минмасин! Фақат ўрталарида илгаридан жорий бўлиб келган иш бўлса (майли)» (Ибн Можжа (2432) ривояти). Бу ҳадиснинг бошқа кўплаб шоҳидлари (яъни, қўллаб-қувватловчилари) ҳам бор.

:«...»

Абдуллоҳ ибн Салом розияллоҳу анҳу айтади: «Агар сенинг бир кишида ҳаққинг бўлса, у сенга бир кўтарим сомон ё бир кўтарим арпа



## Ислом Нури

ё бир кўтарим йўнғичқа ҳадя қилса, уни олмагин. Чунки, у рибодир» (Бухорий (3814) ривояти). Бу сўз ҳам марфуъ ҳадис ҳукмида бўлади. Бинобарин, қарз берган киши қарздоридан на ҳадя, на бошқа бирон фойдаланишни – агар шу нарса берган қарзи туфайли бўлса – қабул қилиши жоиз бўлмайди. Чунки, қарз муҳтож кишига мурувват ақди-битимидир ва Аллоҳга қурбат (яқинлик) ҳосил қилишдир. Агар унда зиёдаликни шарт қилса ёки қасд қилса ва шунга интилса, қарзни ўз ўрнидан, яъни, қарз сўровчининг ҳожатини чиқариб, Аллоҳга қурбат ҳосил қилишдан қарздордан фойдаланишга айлантирган бўлади, у ҳолда бу иш қарз бўлмай қолади.

Мусулмон киши бунга ҳушёр қараши ва эҳтиёт бўлиши, қарз беришида ҳам, бошқа солиҳ ишларида ҳам ниятини холис қилиши лозим. Чунки, қарздан мурод моддий ўсиш эмас, маънавий ўсишдир. У муҳтожнинг ҳожатини раво қилиш ва дастмойни яна қайтариб олиш билан Аллоҳга қурбат ҳосил қилишдир. Агар қарз беришдан мақсад шу бўлсагина, Аллоҳ молга барака ва покиза ўсиб-кўпайишни туширади.

Шуни яхши билиб олиш керакки, қарздордан олиш мумкин бўлмайдиган зиёдалик шарт қилиб қўйилган зиёдалиқдир. Масалан: «Мен сенга шунча миқдорда қарз бераман, шарти шуки, сен уни шунча қўшимчаси билан қайтарасан» ёки «ҳовлингдан ёки дўконингдан менга жой берасан» ёки «менга фалон нарсани ҳадя қиласан» деб шарт қилинган қарздир.

Ёки оғзаки айтилмаса ҳам, кўпайтириб олишга қасд қилиш ёки шунга интилиш ҳаракатлари ҳам мамнӯъ ва қайтарилгандир.

Аммо, агар қарз олган киши ўзи хоҳлаб ва кўнглидан чиқариб, қарз берган кишининг шартисиз, қасдисиз ва интилишисиз, бирон нарса



## Ислом Нури

қўшиб берса, уни олишнинг зарари йўқ. Чунки, бу қарзни чиройли адо этиш жумласидан саналади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бировдан туя қарзга олиб, кейин олганларидан яхшироғини қайтариб бердилар ва:

«□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□»

«Яхшиларингиз (қарзини) чиройлироқ адо қилувчиларингиздир», дедилар (Бухорий (2306) ва Муслим (1601) Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилганлар). Бу эса урф-одатда ва шариатда мақтовли бўлган улуғ ахлоқлар жумласидан бўлиб, фойда олиб келадиган қарз жумласидан саналмайди. Чунки, бу қарз берувчи томонидан шарт қилинмаган ва қасд қилинмаган, балки, қарздор томонидан қилинган ихтиёрий иш эди.

Шунингдек, агар қарздор қарз берувчига ундан қарз олишидан олдин ҳам қилиб юрган одатий бир инъом-эҳсонини қилса, уни бундай қилишга ундан олган қарзи ундамаган бўлса, унинг берганини олишнинг зарари йўқ.

Қарздор зиммасидаги қарзини адо қилишга, имкони бўлганидан сўнг уни кўп чўзмасдан ва кечиктирмасдан эгасига қайтаришга ҳаракат қилиши лозим. Чунки, Аллоҳ таоло: «**Эҳсон-яхшиликнинг жазоси-мукофоти фақат яхшиликдир**», дейди (Раҳмон: 60).

Баъзи одамлар умуман ҳақ-ҳуқуқларга, хусусан қарз ишига жуда бепарво қарайдилар. Бунинг оқибатида эса жуда кўп одамлар бировларга қарз бериш ва муҳтожларга енгиллик яратиб беришдан тўхталиб қоладилар. Шундан



кейин муҳтожлар  
рибовий-судхўр банкларга боришга ва улар билан Аллоҳ таоло ҳаром  
қилган  
муомалаларни қилишга мажбур бўлишади, чунки улар қарзи ҳасана  
берадиган одамни  
топишолмайди. Қарз берувчилар эса қарзни чиройли адо қиладиган  
одамни  
топишолмайди. Шундай қилиб, одамлар ўртасида яхшилик ва  
мурувват кўтарилиб  
кетади.